



Маҳалла

ЧОРШАНБА

2014 йил 26 февраль,
№18 (985)

www.mahallagzt.uz info@mahallagzt.uz

ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 25 февраль куни Оқсаройда Беларусь Республикаси, Латвия Республикаси, Германия Федератив Республикаси, Грузия, Туркия Республикаси, Хитой Халқ Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқуллодда ва мухтор элчилари этиб тайинланган Николай Клакевич, Эдгарс Бондарс, Найтхарт Хёффер-Виссинг, Константин Жегенти, Намик Гунер Эрпул, Сунь Лицзе-дан ишонч ёрлиқларини қабул қилиб олди.

Давлатимиз раҳбари янги тайинланган элчилар билан суҳбатда уларни мамлакатимизда шарафли ва масъулиятли вазифани бажаришга киришадигани билан самимий қутлади. Ўзбекистон улар вакили бўлган мамлакатлар билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада ривожлантиришга муҳим аҳамият бериб келгани ва бундан буён ҳам эътибор қаратишини қайд этиб, элчиларнинг фаолиятига муваффақият тилади.

Мулоқот чоғида бугунги кунда Ўзбекистон ва Беларусь ўртасидаги муносабатлар ҳамкорликка оид салмоқли шартномавий-ҳуқуқий пойдевор асосида изчил ривожланиётгани ва бу барча соҳаларда ўзаро манфаатли алоқалар доирасини янада кенгайтириш имконини бераётгани таъкидланди.

Элчи Николай Клакевич мамлакатларимиз ва халқларимизни вақт синовидан ўтган дўстлик ришталари боғлаб туришини, уларнинг манфаатлари йўлида икки томонлама алоқаларни изчил ривожлантиришга ҳисса қўшишини ўзининг асосий вазифаси, деб билишини қайд этди.

Латвия элчиси билан суҳбатда мунтазамлик касб этган сиёсий мулоқотлар, икки мамлакат парламентлари, ишбилармон доиралари, илм-фан ва таълим, моданият ва санъат вакиллари ўртасидаги алоқалар Ўзбекистон ва Латвия ҳамкорлигига мустақам асос бўлиб хизмат қилаётгани таъкидланди.

Ўзбекистон Президентининг 2013 йилнинг октябр ойида Латвияга давлат ташрифи чоғида бўлиб ўтган самарали музокаралар, улар якунида имзоланган 31 ҳужжат ўзаро манфаатли ҳамкорлик равиолига янги суръат бахш этди.

Элчи Эдгарс Бондарс мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни янада ривожлантириш, аввал эришилган давлатлараро шартнома ва келишувларни ҳаёtgа татбиқ этиш учун бутун куч-гайрати ва дипломатик тажрибасини ишга солишини таъкидлади.

Бугунги кунда Германия Ўзбекистоннинг Европадаги асосий сиёсий ва иқтисодий ҳамкорларидан биридир. 2013 йилда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми аввалги йилга нисбатан сезиларли даражада ортиб, 591 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Ўзбекистонда Германиянинг етакчи компаниялари иштирокида илгор технологиялар асосида нафкат мамлакатимиз, балки хорижда ҳам талаб юқори бўлган рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқараётган қатор корхоналар муваффақиятли фаолият юритмоқда.

Элчи Найтхарт Хёффер-Виссинг Ўзбекистондаги фаолияти мамла-

катларимиз ва халқларимиз ўртасидаги кўп қиррали алоқаларни ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшиш учун қулай имконият эканини қайд этди.

Ўзбекистон ва Грузия ўзаро ҳамкорликни икки томонлама ва халқро ташкилотлар доирасида изчил ривожлантириб келмоқда. Мулоқот чоғида таъкидланганидек, иккала мамлакат ҳам ўзаро фойдали муносабатларни кенгайтириш, савдо-иқтисодий, транспорт-коммуникация ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликка янги суръат бахш этишдан манфаатдор.

Грузия элчиси Ўзбекистонга тайинланганини ўзи учун юксак шараф деб билишини ҳамда мамлакатларимиз ўртасидаги аниқланган ҳамкорликни янада мустақамлашга ҳисса қўшишга тайёр эканини таъкидлади.

Ўзбекистон ва Туркия ўз минтақасида муҳим ўрин тутувчи мамлакатлар сифатида ўзаро фойдали бўлган барча соҳаларда ҳамкорликни изчил ривожлантиришдан бирдек манфаатдор. Бу Президент Ислам Каримовнинг яқинда Сочида Туркия Бош вазир Ражоб Таййиб Эрдуғон билан қисқа учрашувидан яна бир қарра ўз тасдиғини топди.

Туркия элчиси Ўзбекистонга тайинланишини юксак даражадаги дипломатик мақом деб билишини ҳамда мамлакатларимиз, халқларимиз ўртасидаги дўстлик ришталарини янада мустақамлаш йўлида куч-гайратини аямаслигини қайд этди.

Хитой элчиси билан мулоқот чоғида таъкидландики, 2012 ва 2013 йиллардаги олий даражали ўзаро ташрифлар, Ўзбекистон ва Хитой раҳбарларининг икки томонлама ва минтақавий муҳим масалалар юзасидан атофлича музокаралари, мамлакатларимиз ўртасида имзоланган Стратегик шериклик ўрна-тиш тўғрисидаги қўшма декларация, Дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома ҳамда Икки томонлама стратегик ҳамкорликни янада чуқурлаштириш ва ривожлантириш ҳақидаги қўшма декларация, иқтисодий соҳасидаги бошқа битимлар ўзаро ҳамкорликнинг асосларини янада мустақамлаш, барча йўналишлардаги давлатлараро алоқаларга янги суръат бахшлади.

Элчи Сунь Лицзе Хитой раҳбарияти Ўзбекистон билан муносабатларини тенглик ва ўзқ-муддатлилик асосида ривожлантириш тарафдори эканини қайд этиб, фоят муҳим бўлган бу вазифани амалга ошириш учун бор куч ва имкониятларини ишга солишга тайёрлигини таъкидлади.

Ў.А.

2014 ЙИЛ — СОҒЛОМ БОЛА ЙИЛИ



■ Носир ХАЙДАРОВ олган сурат.

Дастур доирасидаги вазифалар масъулият ва фаолликни оширади

Президентимиз Ислам Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 21 йиллигида бағишланган таптанали маросимдаги маърузасида: «Соғлом бола тарбиясида маҳалла ва ижтимоий тузилмаларнинг катта ўрни ва таъсири борлиги ҳақида, ўйлайманки, ортиқча гапиришни ҳожа-ти йўқ. Халқимизнинг «Бир болага етти маҳалла ҳам ота, ҳам она» деган мақолида албатта чуқур маъно мужассам.

Шу нуқтаи назардан қараганда, маҳалла оқсоқол-лари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, маҳалла таян-бия

ларининг жамиятимиз ҳаётида тинчлик ва осойишталик, ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик, хушёрлик ва огоҳлик муҳитини мустақамлашдаги масъулияти янада ортади.

Айниқса, қиз болаларни тарбиялаш, уларнинг замонавий билим ва касб-ҳунарларни эгаллашига ёрдам бериш, эрта никоҳларнинг, оилавий низоларнинг олдини олиш, урф-одат ва маросимларни ихчам ва тартибли ўтказиш каби вазифаларни ҳал қилишда биз кўпни кўрган, тажрибали маҳалла фаолларига тая-намыз», дея таъкидладилар.

> [2]

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ — БОШ МЕЗОН

Тақомил — давр билан ҳамоҳангликда

Ижтимоий ҳимоя — маҳаллалар фаолиятининг асосий мезони. Шу боис истиқлол йилларида фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ушбу соҳадаги ваколатлари кучайтирилди, жа-миёт ҳаётидаги таъсирчан тузилмага айлантирилди.



■ Фарҳод ЭСОНОВ «Mahalla»

Бугун муайян оилани кам таъминланган, деб топилган масаласини маҳалла, қишлоқ ёки овул фуқаролар йиғини белгилаб, унга моддий ёрдам тайинлаётди. Мазкур масалада одолатли қарор қабул қилиш фуқаролар йиғинларининг Ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича комиссиясидан катта масъулият талаб этади.

Пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманидаги «Озробот» маҳалла фуқаролар йиғинида бу борада иб-ратли ишлар амалга оширилмоқда.

> [3]

МУНОСАБАТ

Ҳар кунимиз Наврўз бўлсин!

Кунини кеча Президентимизнинг «2014 йилги Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарорини барча юртдошларимиз шоду хуррамлик ва кўтаринки кайфият билан қутиб олишди. Негаки, янгиланиш ва яшарини айёми — Наврўзи олам қўнғилларга ободлик, орасталлик, меҳр-оқибат, саховат ва жўшқинлик олиб қиради.



■ Обидадин МАҲМУДОВ.

Ўтказиш мақсадида республика микёсида Ташкилий қўмита ва унинг ҳудудий бўлиmlари тузилди. Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида байрамни умумхалқ сайиллари шаклида «Ҳар кунимиз Наврўз бўлсин!» шiori остида кўтаринкилик билан ўтказиш режалаштирилган.

Жойларда бўлиб ўтадиган байрам дастурларига баддий ҳаваскор жамоалар, ансамбллар, бахшию шоирлар, профессионал ижрочилар ва истеъдодли хонандоларнинг танлов асосида жалб этиш кўзда тутилган. Шунингдек, байрам дастурларидан халқ ўйинлари, фольклор санъати намуналари, халқимизнинг дилдан чуқур жой олган, гўзал инсоний туйғуларни юксак пардаларда тараннум этувчи куй-қўшиқлар, улану ларларнинг ўрни олади.

Ушбу санани муносиб нишонлаш мақсадида «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви, унинг ҳудудий тузилмалари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари катта тайёргарлик кўрмоқда.

Аждодларимиз Наврўз орафасида ободонлаштириш ва кўкапамзорлаштириш ишларига алоҳида эътибор қаратишган. Ана шу қадрият, аънаога мувофиқ, умумхалқ хашарларида ўз ифодасини

топади. Бундан қўзланган мақсад — қутлуғ айёمنى ораста хондонда, обод маҳаллада қутиб олиш, сайилни соришта кўча ва сайилгоҳларда нишонлашдан иборат.

Бу жараёни уюшқоқлик билан ўтказиш мақсадида Фонднинг республика бошқаруви томонидан алоҳида қарор қабул қилиниб, чоратадбирлар режаси ишлаб чиқилмоқда. Унга кўра, эhti-ёжманд оилалар ҳолидан хабар олиниб, улар ҳам маънавий, ҳам моддий қўллаб-қувватланади. Соғлом бола йили муносабати билан Меҳрибонлик, Мурувват, Саховат ўйларига беғараз ҳоимлик ёрдамлари кўрсатиш борасидаги ишлар янада кучайтирилади. Яқка-ёғиз қариялар, ногиронлар ва боқувчисини йўқотган оилаларнинг уй-жойларини хашар йўли билан таъмирлаб беришдек эзгу аънаолар бу йил ҳам давом эттирилади.

Шунингдек, қўллаб маҳалла гузарлари, аҳолига савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, спорт иншоотлари, янги боғлар айнан байрам орафасида фойдаланишга топширилиши катта тўйга тўёнади.

Наврўз — умумхалқ байрами. Шу боис айём орафасида республикамизнинг барча ҳудудларида она-заминни эъзозлаб, унинг неъматларини қадрига етиб, бугунги тинч ҳаётимизда шукроналик ҳисси билан яшашига ўндайдиган маънавий-маърифий тадбирларнинг ўтказишда барчамиз фаол иштирок этэйлик.

Ҳа, ҳар кунимиз Наврўз бўлсин!

ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ — МУҲОКАМАДА

Умуммақсад ва манфаат йўлидаги муштараклик

«Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги қонун лойиҳасида «Тенг ҳуқуқли шериклик ва ўзаро манфаатдорлик, ижтимоий шериклик субъектларининг манфаатларини ҳурмат қилиш ва ҳисобга олиш, мажбуриятлар қабул қилишнинг ихтиёрлиги, ижтимоий муҳим аҳамиятга эга масалаларни танлаш ва муҳокама қилиш эркинлиги...» каби асосий тамойиллар ва бошқа ҳуқуқий нормалар акс эттирилган.



■ Н.ХАЙДАРОВ олган сурат.

■ Толибжон НИЗОМОВ «Mahalla»

Фуқаролар йиғини фаолиятига бевоқифа дохилдор бўлган ва ҳаётимизда тобора муҳим аҳамият касб этиб бораётган мазкур тамойилларнинг ҳуқуқий даража касб этиши маҳалла фаолларининг доимий эътиборида.

Айни пайтда барча ҳудудларда бўлгани сингари пойтахтимизда ҳам мазкур қонун лойиҳаси кенг муҳокама қилинмоқда.

— Ижтимоий шериклик — кенг қамровли тушунча, — дейди Фуқаролик жамияти шакл-

ланишини мониторинг қилиш мустақил институти етакчи илмий ходими Шухрат Ёқубов. — Бунини аҳоли турли қатламларининг ҳуқуқ ва эркинликларини, қонуний манфаатларини ҳимоялаш, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, экологик муаммолар ечимини топиш, соғлом турмуш тарзини тарбия этиш, бебаҳо қадриятлар, миллий аънао ва урф-одатларни сақлаш, хайрия фаолиятини ривожлантиришда нодавлат ташкилотлари билан давлат идораларининг ўзаро ҳамкорлик муносабатларида кўриш мумкин.

> [2]



БОЛАЛАР СПОРТИ

Голиблик шоҳсупасида — истиқлол фарзандлари



Сурхондарё вилоятида болалар спортини ривожлантириш борасида олиб борилаётган амалий ишлар натижасида чемпионлар сони йилдан-йилга ортаётир.

■ Нилуфар ЮНУСОВА «Mahalla»

Денов туманидаги «Чим» маҳалласининг фахри Барно Мирзаева истиқлол билан тенгдош. У спортга кизиқиши ортдан 5 ёшида тумандаги «Хазорбоғ» каратэ клубига қатнаша бошлади. 2004 йилда Ўзбекистон чемпионати баҳсларида 1-ўринни қўлга киритиб, 2008 йил мамлакат терма жамоаси сафидан ўрин олди ва шу йили Италиянинг Жесерло шаҳрида ўтган ёшлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида кумуш медалга сазовор бўлди. 2009 йилги Осиё чемпионатида эса 2-ўринга лойиқ топилди. Дарҳақиқат, ўз устида ишлаш, кучли ирода, илк ва ёрқин ғалабалар истиқлол фарзандини голиблик шоҳсупаси сари етакла-

ди. 2010 йил Барно учун янада муваффақиятли келди. У Хитойнинг Гуанчжоу шаҳрида ўтказилган XVI Осиё ўйинларида 42 та мамлакатдан келган спортчилар орасида бронза медали соҳибасига айланди. 2013 йил ҳам у учун омадли келди: Бирлашган Араб Амирликларида ўтган катталар ва ўсмирлар ўртасидаги Осиё чемпионати-2013 мазкур нуфузли мусобақада Барно Мирзаева Хиндистон, Иордания, Хитой Тайпейи ва Қозонистон спортчилари устидан ғалаба қозонди. Ўтган йиллар мобайнида 55 та медаль соҳибасига айланган Барно 2013 йилда «Йилнинг энг яхши оёл спортчиси» номига муносиб, деб топилди.

Деновлик яна бир чемпион — «Аббос Малик» маҳалласида яшовчи Шохруҳ Раҳимов ва Насиба Тоироваларнинг эндигина 7 ёшни қарши олган қизи Шаҳзода Исмоилова ҳам спортнинг каратэ тури билан шугулланиб келади. Шаҳзода ҳали кичик ёшда бўлишига қарамай, бир неча ютуқларни қўлга киритди. Ўтган йили Ўзбекистон очик кубогига 1-ўринга сазовор бўлди. Мустақиллигимизнинг 22 йиллигига бағишлаб ўтказилган Сурхондарё вилояти очик турнирида ҳам фахрли 1-ўринни қўлга киритди. Бу ютуқларда унинг устози, мураббий Отабек Назаровнинг ҳиссаси катта. Яна бир хушxabар — Шаҳзода 2014 йил май ойида Венгрияда ўтадиган Европа очик чемпионатида иштирок этиш шарафига муяссар бўлди.



Дунё бўйлаб

Кўприк кулади

Вьетнам шимоли-шарқидagi Лайтя музофотида осма кўприк кулаб тушган.



«Associated Press»нинг полиция маълумотларига таяниб ахборот беришича, бахт-

сиз ҳодиса оқибатида етти киши ҳаётдан кўз юмган. Яна 37 нафар киши турли даражада жароҳатланган. Ҳодиса марҳум маҳаллий ҳокимият вакилини кўмиш учун олиб кетилаётганда юз берган. Пулат арқонлардан бирининг қутилмаганда узилиши натижасида кўприк устидаги таҳминан 20 метр пастдаги тошга кулаган. Иншоот бор-йўғи бир йил муқаддам қурилганди.

ОДАМ САВДОСИ — ОЛАМ ФАВФОСИ

Йўллар уйга элтдию бироқ...

Исо Мўминов Украинадаги қариндошлари билан телефонлашди, тинчи йўқолди. Ахир, «ёғиш» иш, бунишг устига ишнамгина бошпана бўлса, ким ҳам «йўқ», дерди. Тезда бойиб кетиш илнжсида у хорнжга отланди.

Аммо ўзга юрт у ўйлаганчалик эмас экан. Исонинг хаёллари пучга чиқди. Мусофир юртга келиб, хато қилганини англаб эзилди. Шу боис кўп юрмасдан, она диёри томон ошиқди. У тезда уйга етиб олишн, оиласи бағрида тинчгина, фойдали машғулот билан шугулланишни истаб бекотатланди. Бироқ мuddат қарийб бир йилга чўзилишини бояқиш қоёқдан билсин?.. Гап шундаки, И.Мўминов йўлда паспортини йўқотиб қўйди. Ёрдом сўраб, юртимиз элчиносига мурожаат қилиш ўрнига ҳеч қандай ҳужжатсиз Уралск шаҳри яқинидаги Россия — Қозонистон чегорасини кесиб ўтишга уринди. Бу унинг яна бир хатоси эди. «Нима бўлса бўлди, — ўйлади у. — Балки омадим чопиб қолар!» Бахтига қарши умиди пучга чиқди. Ахир, шахсини тасдиқловчи ҳужжати йўқ кишидан ҳамма гумонсирайди-да.

Шу боис у чегара бўлини-масига жўнатилди. Бироқ бу ерда ҳам унга қайишадиган, унинг учун жон койиладиган киши топилмади. Исо бир мuddат меҳнат билан банд бўлди, қорли-бўронли ҳавога чидади. Хатто бир кунги кулоқларини совуққа олдириди. Аммо тиббий ёрдам бериш у ёқда турсин, ҳеч ким ундан «Ҳолинг не?», деб сўрамади. Ахволи жиддийлашгангина, уни госпиталга ётқизишди. Сўнгра суд қарори чиққунга қадар Қозонистоннинг Мангистау вилояти ички ишлар идораси назорати остида бўлди. Шундан сўнггина унинг кейинги тақдири ҳал қилинди — Ватанга депортация. Йигитни миграция полицияси ходимлари ўтказиб юборган «Актобе — Чимкент» поезди жойидан жингонида Исо Мўминовнинг фикру хаёлида фақатгина бир нарса чарх урарди — «Уйимга! Наҳотки?!». Унинг қувончи чексиз эди, чунки тез орада «Жибек Жоль» халқоролар пропуск пунктига етиб боради, у ердан эса жонажон гўшасигача бор-йўғи бир кадам. Бироқ... Бу ерда ҳам ундан ҳужжат талаб қилиши. Мўминовнинг тарвузи қўлтигидан тушди. Участка инспектор-

ХАБАР

Замонавий мусиқа мактаби

Мамлакатимиз тараққиёти кўп жиҳатдан ёш авлоднинг муносиб таълим-тарбияси, интеллектуал ва ижодий салоҳиятининг юксаклигига боғлиқ.



Ушбу саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ, чекка қишлоқлар-

■ Ю.ҲОЖИЕВА «Mahalla»

Шу сабабли юртимизда иктидорли ўғил-қизларни аниқлаш ва рағбатлантириш, дунёқарошнни, ижодий ва шахсий хусусиятларини миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида шакллантиришнинг аниқ тизими йўлга қўйилган. Ушбу саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ, чекка қишлоқлар-

да ҳам мусиқа ва санъат мактаблари қад ростламоқда. Болаларни санъатнинг сеҳри оламига ошуфта этоёган муассасалар бугун улар учун энг сеvimли масканга айланди. Яқинда Гап-лаорол туманида фаолият бошлаган 15-сон Мусиқа ва санъат мактаби ҳам шулар жумласидан. 2 миллиард 815 миллион сўм маблаг эвзига бунёд бўлган масканда қишлоқ болалари ракс, фортепьяно, дутор, доира машғулотларини мароқ билан ўзлаштиришмоқда.

САЛОМАТЛИК СИРЛАРИ

Кўк чой — шифобахш ичимлик

Кўк чойнинг саломатликка фойдаси борасида кўлаб илмий тадқиқотлар ўтказилган. Уни мунтазам ичиб туриш кексаларда учрайдиган остеопороз, инсулт ва когнитив бузилишлар каби касалликлар профилактикасида ижобий таъсирга эга.

■ Шамсия.

Токиодаги Олий тиббиёт мактаби олимлари уч йил давомида 65 ёш ва ундан катта 13 минг нафар инсон ўртасида сўрвнома олиб бориди. Барча маълумотлар тўпланиб (жумладан, овқатланиш ва ҳоёт тартиби, саломатлик ҳолати), таҳлил қилинган, мунтазам кўк чой ичадиганлар фаолроқ экани, уларда функционал имкониятлар билан боғлиқ муаммолар камлиги маълум бўлди. Кунига камида 5 пиёла кўк чой ичганларнинг фақатгина 7 фоизи ўзларидидаги функционал бузилишлар ҳақида билдирган. Тадқиқотчилар ҳар кун кўп миқдорда кўк чой ичишнинг фойдаси борлигини айтишмоқда. Одатда кўк чойнинг шифобахш хусусияти унинг таркибидидаги антиоксидантлар билан изоҳланади. Улар ҳужайраларни зарарланишдан сақлайди.

Ҳарбий базага ҳужум

«Толибон» ҳаракати жангарилари афғон армиясининг Покистон билан чегарада жойлашган Кунар вилоятидаги ҳарбий базасига ҳужум қилди.



«Agence France-Presse»нинг хабарига кўра, бунинг оқибатида 20 нафар ҳарбий хиз-

матчи ҳаётдан кўз юмди. Шунингдек, 7 нафар асир сифатида олиб кетилган. «Толибон» ҳаракати ҳужумчи ўз зиммасига олгани ҳолда тафсилотларни очикламаган. Шу билан бирга америкалик ҳарбий хизматчи Боуи Бергдални Гуантанамо қамоқхонасида сақланаётган беш нафар жангарига алмашиш бўйича музокараларни ҳам тўхтатган.

Муҳожирлар чиқарилмоқда

Исроил ҳукумати африкалик нақонуний муҳожирларни Угандага жўнатишни бошлади.



«Associated Press»нинг хабарига кўра, уларга самолёт чиптаси ва 3500 АҚШ доллари миқдоридида ёрдам

пули берилади. Ҳозирча 30 нафар муҳожир мамлакатдан ихтиёрий равишда чиқариб юборилган. Бир неча йилдан буён Исроилда Африкадан келган муҳожирларга қарши компания юрийтилади. Улар кўча жиноятларининг ўсиши, касалликларнинг тарқалиши ва маҳаллий аъёнларни ҳурмат қилмасликда айбланади. Ҳозирда бу ерда 50 мингга яқин африкалик муҳожир яшайди.

■ Интернет материаллари асосида М.ЖўРАҚУЛОВ тайёрлади.

ASAKA BANK advertisement for 'Javruz' 2014 competition. Includes bank logo, competition title, dates, and a list of branches with phone numbers.

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди Янгиёул тумани бўлини-маси Халқабод қишлоқ фуқаролар йиғинидаги «Миришкор» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Абдумухтор Жапаровга падари бузруквори

Mahalla logo and address information for the community fund.

Boш муҳаррир Бахтиёр АБДУСАТТОВА and contact information for the newspaper.

Subscription information and contact details for the newspaper.

Publication details including ISSN, issue number, and circulation statistics.



2014 йил — соғлом бола йили

Дастур доирасидаги вазифалар масъулият ва фаолликни оширади

< [1]

Дарҳақиқат, ушбу устувор вазифалар Юрбошимизнинг жорий йил 19 февралда қабул қилинган «Соғлом бола йили» Давлат дастури тўғрисидаги қарори билан тасдиқланган Давлат дастурида аққол ифода этди. Етти бўлим ва 125 банддан иборат ушбу муҳим ҳуқуқий ҳужжат аввалги йиллардаги Давлат дастурларининг мантқиқий давоми сифатида фарзандларимизни янада соғлом ва барқамол бўлиб вояга етишида муҳим дастурламалардир.

Давлат дастурининг 5 та бандида «Маҳалла» хайрия жамоат фонди асосий ижрочи, 19 та сирда эса ҳамижрочилар қаторида белгилангани ушбу тузилмага давлатимиз томонидан билдирилётган ишончининг амалдаги ифодасидир.

Дастур доирасида соғлом бола, айниқса, қиз болаларни тарбиялашда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ролини ошириш, ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтириш, ёшларнинг замонавий билим ва касб-хўнор эгаллашига қўмақлашиш, турли тўғаракларга жалб этиш, тадбиркорликни ривожлантириш, жамиятда ҳамжиҳатлик, тинчлик-осойишталикни таъминлаш, эҳтиёжманд оилаларга манзилли моддий-маънавий ёрдам кўрсатишда фуқаролар йиғинларининг

масъулиятини кучайтириш борасида комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш белгиланган.

Шунга мувофиқ, навқирон авлод вакиллари барқамол этиб тарбиялаш, уларни турли тўғаракларга, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишга жалб этишда, уларни мустақил оилавий ҳаётга тайёрлашда ва касб-хўнор эгаллашларида маҳалланинг таъсирини кучайтиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилган. Хусусан, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши, Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, Соғлиқни сақлаш, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим, Ички ишлар, Маданият ва спорт ишлари, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофазга қилиш вазирликлари билан биргаликда соғлом болани тарбиялашда маҳалланинг ролини оширишга қаратилган кўшма чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш, ижросини изчил таъминлаш режалаштирилган.

Шу билан бирга, «Оила — маҳалла — таълим муассасаси» ҳамкорлигини янада кучайтириш, ўқувчилар даволати, битирувчилар бандлигини таъминлаш борасида фуқаролар йиғинлари томонидан тизимли тарзда қўмақлашишда ва жамоатчилик назорати ўрнатилди.

Бундан ташқари, музика мактаблари мавжуд маҳаллалар

ҳудудда ёшлар музика вокал жамоаларини ташкил этиш ҳамда уларни қўллаб-қувватлаш бўйича чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш, амалиётга татбиқ этилади.

Ўзбекистон фахрийларини қўллаб-қувватлаш «Ҳуроний» жамғирмаси Марказий Кенгаши ва бошқа манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда ёшларни она-Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш мақсадида маҳаллаларда «Оталар мактаби», «Оналар мактаби» каби семинар-тренинглари, шунингдек, йигин фаоллари, етакчи олимлар, психологлар, ёзувчилар, шoirлар ва дин арбобларини жалб этган ҳолда, кўп асрилик миллий аъёнлар руҳидаги «Маънавият эҳсони» мавзусида кеча ва сўхбатлар ташкил этиш чораларини кўради. Бунда уларнинг ҳаёт тажрибалари ёшларга ҳар томонлама ўрнак бўлиши шубҳасиз.

Дастур доирасида маҳаллалардаги ҳар бир уй-жой массивида замонавий ва хавфсиз бола майдончаларини ташкил этиш, мавжудларини таъмирлаш, спорт инвентарлари билан жиҳозлаш, ҳудудни ободонлаштириш ҳамда болаларнинг маданий ҳордиқ чиқаришлари шартроит яратиш ҳам белгиланган.

Шунингдек, ушбу кенг қамровли ҳужжатда чекка туманларда «Бўлажак тадбиркор оёқлар

мактаби» лойиҳасини амалга ошириш, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш мақсадида Тошкент шаҳри, Тошкент ва Сирдарё вилоятларида 5 та маҳаллада хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантириш бўйича ахборот, таълим ва консалтинг хизматларини кўрсатиш учун «ягона ойна» тизимини ташкил этиш ўрин олган. Бу эҳтиёжманд оилалар учун даромад олиш имкониятларини кенгайтиришда муҳим ижтимоий лойиҳалардан бири ҳисобланади.

Умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-хўнор коллежлари ўқувчилари ўртасида «Ез — 2014» спорт мусобақалари, қизлар ўртасида «Жисмоний барқамоллик — гўзаллик рамзида» ширини остида бадий гимнастика бўйича ва «Баҳор маликалари» ширини остида енгил атлетика бўйича республика мусобақалари уюштирилади.

Халқимиз азалдан эҳтиёжмандларга ёрдам беришни эзгу аъмолига ойнатирган. Шу мақсадда аҳолини аниқ манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасида «Маҳалла» хайрия жамоат фонди томонидан тизимли ишлар амалга оширилади. Жумладан, туман ва шаҳарлар кесимида ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган 700 дан зиёд ёш оила тўй-маросимларини ўтказиш ва турмуш шартроитларини яхшилаш учун ҳоимийлик ёрда-

мини кўрсатиш ҳам хайрли мақсадларимиздандир.

Шу билан бирга, Меҳрибонлик ўйлари тарбияланувчиларини кўнгилочар масканлар, хусусан, музейлар, ботаника ва хайвонот боғларига ташириларини ташкил қилиш, шунингдек, «Биз — мустақиллик фарзандларимиз» ширини остида 560 нафар (ҳар бир ҳудуддан 40 нафардан) кам таъминланган оила фарзандлари ва Меҳрибонлик ўйи тарбияланувчиларининг Самарқанд, Бухоро, Хива ва Тошкент шаҳарларига саёҳатларини уюштириш режалаштирилган.

Дастурда минтақаларда тўй маросимларини ўтказишда исрофгарчиликка йўл қўймастикка қаратилган чора-тадбирлар мажмуини амалга ошириш ҳам белгиланган.

Муҳтасар айтганда, йил дастурида белгиланган устувор вазифалар ўз мазмун-моҳиятига кўра, инсонпарварлик тамойилларига йўғрилганки, бу, шубҳасиз, ёшларни ҳар томонлама барқамол этиб тарбиялаш, Ватанимиз тараққиёти ва аҳоли турмуш фаровонлигини, энг халқчил идора сифатида маҳалланинг нуфузини ва таъсирини оширишга хизмат қилади.

Анвар АҲМЕДОВ,
«Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви раиси.

ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ — МУҲОКАМАДА

Умуммақсад ва манфаат йўлидаги муштарақлик



< [1]

Мутасадди ташкилотлар, хусусан, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ижтимоий шерикликдаги роли» деб номланган 13-моддасини янада такомиллаштириб, унга «Ҳоимийлик ва бошқа ташкилотлар, ёш авлоднинг тарбиялаш масалалари юзасидан таълим муассасалари ҳамда жамоатчилик назорати ўрнатилган бўйича оммавий ахборот воситалари, нодавлат нотижкор ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади», деган жумлани қўшишни таклиф қиламан.

Шу билан бирга, ижтимоий шериклик — муайян ҳудуддаги борча фуқароларнинг умумий муаммоларини ҳал этиш йўлида бирлашувидир. Бунда фуқаролар йиғини ваколатлари доирасининг кенглиги билан бошқа ташкилотлардан ажралиб туради.

— Лойиҳанинг халқчил ва тўшунарли, содда ҳамда раво бўлишини таъминлаш зарур, — дейди Шайхонтоҳур туманидаги «Илғор» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, «Эл-юрт ҳурмати» ордени соҳибаси Назира Иноятова. — Шу мақсадда 11-моддада: «Нодавлат нотижкор ташкилотлар ижтимоий шериклик соҳасидаги ўз фаолиятини ижтимоий шериклик бўйича комиссияларини шакллантириш ва фаолияти, бошқа ижтимоий фойдали фаолиятни, шу жумладан белу амалга ошириш йўли билан амалга оширадиган» жумласида остига қизилган сўзлар олиб ташланса, ортқича тафсилотларга ўрин қолмайди.

Муҳтасар айтганда, кучли фуқаролик жамияти қуриш йўлида амалга ошириладиган ислохотларнинг шарт-шароитларини таъминлашнинг ҳуқуқий асоси мукамал ва серқирра бўлишида жамоатчиликнинг фикр-мулоҳазалари ва таклифларини ўрганиш давом этаётди.

МАҲАЛЛА ГУЗАРИ

Барча шароит муҳайё

Сурхондарё вилоятининг Олтинсой туманида жойлашган «Янги обод» маҳалла фуқаролар йиғини янги бинога кўчиб ўтди. Миллий меъморчилик ва замонавий андозалар асосида қад ростлаган ушбу гузарда йиғин аҳолиси учун барча шароитлар яратилган.

Муҳбиримиз.

— Авваллари арзимаган хизматлардан фойдаланиш учун ҳам туман марказига бора эдик, — дейди маҳалла фаоли Низоом Розиков. — Ҳозир гузарда аҳолига хизмат кўрсатувчи барча шохобчалар иш юритмоқда. Эйтиборлиси, маҳалламиз ёшлардан

6 нафари ишли бўлди. Тадбиркор Фароғат Абдуалимов ва кийим-кечаклар ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйди. Эндиликда тикувчиликка қизиққан қизлар шу ернинг ўзида ушбу ҳунор сир-асрорларини ўрганиб, фойдали меҳнат билан ҳам шуғулланиладилар.

ҲОКИМ ҲИСОБОТИ

Муаммолар ечимида қулай имконият



Яқин-яқингача «Ҳоким маҳаллага келиб ҳисобот берди», дейилса, кўпчилик ишонмасди. Бугун эса маҳаллий ҳокимларнинг фуқаролар йиғини олдида ҳисобот бериши одатий ҳолага айланди. Бу кучли фуқаролик жамияти шаклланиётганининг амалдаги ифодасидир.

Толибжон НИЗОМОВ
«Mahalla»

Пойтахтимизнинг Яққасарой тумани ҳокими Баҳодир Гойибнозаров 2013 йилнинг тўртинчи қорғида ҳудуддаги мавжуд 18 та маҳаллада фуқаролар йиғинлари фаолияти соҳасига кирувчи масалалар юзасидан ҳисобот берди.

Тадбирда иштирок этган аҳоли ўзларини ўйлантираётган ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ўртага ташлади.

— Маҳалламизга ҳисобот бериш учун ташриф буюрган туман раҳбарига касб-хўнор коллежлари битирувчиларининг бандлигини таъминлаш борасида юзга келадиган айрим муаммолар билдирилди, — дейди «Рақат» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Илҳом Ганиев. — Тез орада ҳудуддаги тадбиркорлик субъектлари руҳияти қайта шакллантирилиб, фаоллар қўмағида уларнинг ҳар бирига 2-3 нафардан ёшлар бириктирилди.

Шунингдек, бошқа маҳаллалардаги касб-хўнор коллежлари битирувчилари бандлигини таъминлаш борасида жамоатчилик назорати ўрнатилди. Натيجида ўтган йили йиғин фаоллари ҳамда туман бандликка қўмақлашиш маркази вакиллари ҳамкорлигида 785 нафар битирувчилардан 757 нафари ҳудуддаги тадбиркорлар ёрдамида иш билан таъминланди. Қолган 28 нафари эса қизиқишлари кўра касбга йўналтирилди.

2013 йили фуқаролар йиғинлари билан тегишли ташкилотлар ҳамкорлигида тумандаги 33645 та оиладан 31382 таси ўрганилди. Жароёнда 2837 та муаммо аниқланиб, улардан 1774 тасининг ҳал этилишида туман ҳокимиятининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Қолган 930 та ижтимоий-иқтисодий муаммо бўйича юқори ташкилотларга мурожаат қилинди.

— Ҳокимнинг фуқаролар йиғинларида ҳисобот бериши биз учун ҳам қулай имконият, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Яққасарой тумани бўлини раиси вазифасини бажарувчи Жамила Расулова. — Гап шундаки, бу орқали туманимиздаги мавжуд 18 та маҳалланинг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш, йиғинларнинг ўз балансидаги янги биноларга эга бўлишига амалий ёрдам беришини сўраб, ҳокимга мурожаат қилдик. Обод турмуш йилида янги гузарга кўчиб ўтган 14 та маҳалла биносидан профилактика инспекторлари учун алоҳида хоналар ажратиб берилди. Жорий йилнинг иккинчи қорғи якунига қадар қолган 4 та маҳалла ҳам худди шундай шароитга эга бўлади.

Ҳокимнинг «Қўшбеги» маҳалла фуқаролар йиғинида берган ҳисоботи аҳолининг ижтимоий масалаларни ҳеч иккиланмасдан айтишига туртки берди. Мисол учун, Қўшбеги мавзесида яшовчи М.Солиқова, Ш.Қаюмов, И.Валломатовлар «Қўшбеги» тўйхонаси рўпарасидаги майдонда тунги пайт ёшларнинг овтоўловларда пойга ўйнашлари оқибатида юзга келадиган шовқинлар аҳолининг оромини бузаётгани ҳақида гапирди. Ушбу масала жойида ҳал этилди.

Шунингдек, ҳисоботларда аҳоли томонидан кўпроқ ҳудудлар инфра-тузилмасини янада ривожлантириш, йўл ва йўлакларни асфальтлаш, совдо ҳамда маънавий хизмат кўрсатиш соҳаларида муомала маданиятини шакллантириш лозимлиги каби масалалар кўтарилди, бу борада тегишли чоралар қўриш белгиланган. Ҳисоботларда ўртага ташланган муаммоларнинг аксарияти ижобий ҳал этилганини таъкидлаш ўринлидир.

Ҳа, туман ҳокимининг фуқаролар йиғинларида ҳисобот бериши маҳаллий аҳолига яқин маҳалаларга ўз вақтида ечим топилиши учун қулай имкониятлар.

ФАОЛЛАР ЎҚУВИ

Машғулотлар бошланди

Пойтахтимизда фуқаролар йиғинлари ходимларининг касбий ва бошқарув малакаларини янада ошириш мақсадида ташкил этилган ўқув-курслари ўз фаолиятини бошлади.

Н.НОСИРОВ
«Mahalla»

— Машғулотларнинг дастлабки тингловчилари 2013 йилнинг ноябрь-декабрь ойларида ўтган сайловларда биринчи марта йиғин раислигига сайланган бўлишди, — дейди Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг малакасини ошириш бўйича ўқув-курсларнинг ўқув-методик ва ташкилий масалалар бўлими бошлиғи Иззатилла Умаров. — Айни пайтда ҳар бир гуруҳда 25 нафар тингловчи бир ҳафта давомида фуқаролар йиғинларининг ҳуқуқий асослари, ти-

зимнинг ташкил этилиши, ушбу йўналишда амалга ошириладиган ислохотлар ҳақидаги маълумотларга эга бўладилар.

Ўқув-курсларнинг дарс жадваллари ҳамда машғулотлар қамрови кенг.

— Ўтган йил охирида бўлиб ўтган сайловларда йиғинимиз аҳли менга ишонч билдирди, — дейди Сергели туманидаги «Ўзғариш» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Обиджон Муҳаммаддиёров. — Бу ишонччи оқлаш чуқур билим ва тажрибани талаб қилади. Бугунги ўқув-курслари айни шу жиҳатлари билан биз учун аҳамиятли.

Эслатиб ўтамиз, ўқув-курслари фаолияти йил бўйи давом этади.



■ Н.ҲАЙДАРОВ олган сурат.

ЗАМОНАВИЙ ҚВП

Қишлоқ эмас, шаҳарчага бориб қолгандай бўласиз

Оқдарё туманидаги Бошдархон қишлоқ врачлик пункти намунали ва замонавий тиббий масканларидан. Пулатдархон қишлоқ фуқаролар йиғини идораси ёнида жойлашган бу муассаса аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш борасидаги ҳамкорликни ривожлантиришда қўл келмоқда.

Нилуфар ЮНУСОВА
«Mahalla»

— Замонавий ҚВПнинг қурилиб, ишга туширилгани қишлоқ аҳолиси учун катта тўхфа бўлди, — дейди қишлоқ врачлик пункти мудири Майрам Ахророва. — Фаолият олиб бораётган 7 нафар тиббий ходими Пулатдархон, Бошдархон, Наймонна қишлоқлари ва Қирдархон 2-мавзесидagi олти нафарга яқин фуқарога малакали тиббий хизмат кўрсатиб келмоқда. Доим фуқаролар йиғинлари фаоллари билан ҳамкорликда ҳар бир

чўқурлаштирилган тиббий текширувдан ўтказилмоқда.

Дарҳақиқат, қишлоқ врачлик пункти «Саломатлик-2» дастури асосида зарур тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлангани боис беморларга шу ернинг ўзида аниқ ташхис қўйилиши учун барча шарт-шароитлар яратилган.

— Аҳоли шифокорлар хизматидан мамнун, — дейди Пулатдархон қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Махмуд Носимов. — Маҳалламиздаги кексалар, ёшлар, оналар ва болалар соғлигини ҳақдор қилиб, йўл-йўриқ кўрсатишда патронаж ҳамширалари зиммасига катта масъулият юклатилган. Шу боис барча соғий-характерлигимизни улар билан ҳамкорликда ташкил қилганмиз. Бунда, аввало, оилада тиббий маданиятни шакллантириш, аёллар ва ўсмир қизларнинг ўз саломатлигига бефарқ бўлмагани борасида-

ги тарбият ишларига эътибор қаратилади. Бунинг натижасида кейинги йилларда ҳудудимизда оналар ва болалар ўлими қайд этилмади. Болаларда учуроидан турли юқумли касалликлар қамайди. Муҳими, одамларнинг ўз саломатлигига эътибори ошмоқда.

Шунингдек, ушбу қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудда намунали лойиҳадаги янги уй-жойлар қурилиб, Қирдархон 2-мавзеси барпо этилди. Ўтган йилнинг ўзида ушбу янги ҳовиларнинг етмиш физи ўз эгаларига топширилган. Шу томонга йўлнинг тўша, қишлоққа эмас, кичкина шаҳарчага кириб қолгандай бўласиз. Аҳоли учун барча шарт-шароитлар муҳайё. Қишлоқ врачлик пункти ёнида 25-умумий ўрта мактаб қурилиб, ишга туширилиши эса, ҚВП, мактаб ва маҳалланинг ҳамкорликда иш олиб боришида қулай-

лик туғдирмоқда.

Дарҳақиқат, аҳоли саломатлигини муҳофазга қилиш, уларга ўз вақтида ва намунали тиббий хизмат кўрсатишда қишлоқ врачлик пунктларининг ўрни бекиб. Бугунги кунда Самарқанд вилоятида мавжуд тўрт юзга яқин ана шундай муассасаларда замонавий шарт-шароит ва имкониятлар яратилган ҳолда аҳолига тиббий хизмат кўрсатилади. Уларнинг барчаси тегишли давлат дастурлари ва лойиҳалар асосида басқичма-басқич энг сўғи рўсумдаги ташхис ва даволаш аппаратлари, лаборатория ускуналари ва бошқа жиҳозлар билан таъминланмоқда. Биргина ўтган йили вилоят бўйича қирққа яқин қишлоқ врачлик пунктлари биноларида қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилиб, аҳоли ва тиббиёт ходимлари учун барча зарур шароитлар яратилди.

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ — БОШ МЕЗОН

Такомил — давр билан ҳамроҳликда



■ Н.ҲАЙДАРОВ олган сурат.

— Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 7 октябрдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида фуқаролар йиғини доимий комиссияларнинг Намунавий низомлари тасдиқланиши фаоли-

тимизни давр билан ҳамроҳликда янада тақомиллаштириш, — дейди йиғин раиси Абдумалик Эрносаров. — Шу асосда комиссияларимизнинг низомлари ишлаб чиқилди. Жумладан, Ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича комиссия низоми ҳам. Айни вақтда ҳудудимизда истиқомат қилувчи 16 нафар обрў-этиборли ва ҳурматли сазовор фу-

қарони икки йил муддатга сайлаб орали комиссия таркибини шакллантирдик. Низомда ҳудудда аниқ йўналтирилган асосда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлаш бўйича чора-тадбирларнинг амалга оширилишига қўмаклашиш комиссиянинг асосий мақсади этиб белгиланган. Комис-

сия аъзолари оилаларни ўрганиш, кам таъминланган ва ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз фуқароларни аниқлаш ва ҳисобга олиш каби ишларни бошлаб юборди.

— Комиссиямиз томонидан аҳолининг ижтимоий нозорат қатламларини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларини амалга ошириш ҳақида фуқаролар йиғинига ўндан ортик таклифлар киритилди, — дейди комиссия аъзоси Ақида Зияева. — Бундан ташқари, эҳтиёжманд фуқароларга ҳимийлик ёрдамлари кўрсатиш, уларни ижтимоий ҳимоялаш, соғломлаштириш, маиший шарт-шароитларини яхшилаш тадбирларида қўмаклашилмоқда.

Этиборлиси, комиссия биргина ижтимоий ҳимоя тадбирлари билан чекланиб қолмапти. Мунтазам равишда эҳтиёжманд оилаларни ўрганиб, моддий аҳолига салбий таъсир кўрсатувчи омилларга барҳам бериш масаласига ҳам этибор қаратилмоқда. Бунда Бандликка қўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази, давлат ва нодавлат ноти-

жорат ташкилотлари, йиғиннинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, «Маҳалла посбони» жамоатчилиги тузилмаси, асосий фаолият йўналишлари бўйича бошқа комиссиялар билан ҳамкорлик алоқалари қўлга олинган. Бундан ташқари, кўриб чиқилган натижани бермоқда. Масалан, ТТЗ-1 мавзесида яшовчи фуқаро Анастасия Калачёва маҳаллага моддий ёрдам сўраб, ёзма мурожаат қилди. Комиссия хулосасига кўра, унга олти ой муддатга моддий ёрдам тайинланди. Шу билан бирга, Бандликка қўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази кўмагида ушбу фуқаро муносиб иш жойи билан таъминланмоқда.

Шунингдек, низомда фуқароларнинг кадр-қиммати камситилишига, ҳуқуқ ва эркинликларининг поймол этилишига йўл қўймай белгиланган. Йиғин фаолиятига оид қарорларни амалга ошириш бўйича аҳолини маълум қилиш ва таъсирини мустақамлаш ва таъсирини ошириш ишларида ҳам фаоллик кўрсатилмоқда.

ЙИГИНЛАР ҲАЁТИДАН

Кенгашиб ечилган иш — келтирмас сира ташвиш

Бобуржон бу йил ёзда 6 ёшга тўлади. Бийрон тиллари билан келажакда ким бўлишини дон-дона қилиб айтаётган болакайнинг кўзларида қувонч порлайди. Унинг бахтли оилада камол топишида маҳалла фуқаролар йиғинининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Сабаби, унинг ота-онаси кичик келишмовчилик баҳона ажрашмоқчи бўлганда йиғин фаоллари ҳаракати билан оила сақлаб қолingan эди.



■ Н.ҲАЙДАРОВ олган сурат.

Саодат МАХСУМОВА «Mahalla»

Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг жамоатчилиги асосидаги комиссиялари фаолияти аҳоли ҳаётида муҳим аҳамият касб этаётди. Бунга пойтахтимизнинг Сергели туманидаги Амир Темури ноли маҳалла фуқаролар йиғини мисолида ҳам кўриш мумкин.

Йиғиннинг Яраштириш комиссияси томонидан амалга оширилаётган ишлар фуқароларнинг ушбу тузилмага бўлган ишончини янада мустақамламоқда. Обод турмуш йилида комиссияга 12 та ариза келиб тушган бўлса, шулардан 8 таси ижобий ҳал этилди. Қолган 4 та мурожаат эгасига маълум муддатлар берилиб, улар билан доимий тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

— Ҳафтанинг маълум бир кунда маҳалладаги оилаларнинг яшаш шарт-шароити, турмуш даражаси билан танишиб чиқамиз, — дейди Яраштириш комиссияси котиби Шайра Солметова. — Кўпроқ нотинч оилалар билан ишлашга эътибор қаратамиз. Хонадондаги муаммоларни ўрганиб, ижобий ҳал этишга ҳаракат қиламиз. Бунда уларга аҳил ва бахтли оилаларни мисол қилиб кўрсатиш яхши натижа беради.

Шунингдек, йиғинда ёш оилалар учун маданий-маърифий тадбирлар ўтказиш ҳам аҳамиятга айланган. Ҳаётини тажрибага эга, рўзғори бут хонадон вакиллари тажрибаларининг

ўрганилиши ва оммалаштирилиши комиссия фаолиятининг асосий мезони-га айланган.

Комиссия фаолиятида тўй ва бошқа маросимларни ичмам, миллий қадриятларимиз ва ибратли анъаналаримизни ҳисобга олган ҳолда ўтказиш, уларни ёшлар ўртасида тарғиб қилишда Юртбошимизнинг 1998 йил 28 октябрда қабул қилинган «Тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака маросимлари, марҳумлар хотирасига бағишланган тадбирларни тартибга солиш тўғрисида»ги фармони дастуриламал бўлмоқда.

Тўйларда турнақатор машиналар сонининг камайгани, ортқча сарф-харажат талаб этадиган расм-русумларнинг деярли ўтказилмаётгани комиссия фаоллари саъй-ҳаракатининг натижасидир. Бундай тадбирларни дабдаба билан ўтказишни режалаштирган оилалар ўртасида олиб борилган тушунтириш ишлари самара бермоқда.

Маҳаллада 5800 нафар аҳоли истиқомат қилади. Уларнинг 680 таси ёш, 36 таси эса ижтимоий ҳимояга муҳтож оила ҳисобланади. Яраштириш комиссиясига келиб тушаётган аризалар сонининг сўнгги йилларда сезиларли даражада камайгани бу борадаги тизимли ишларнинг амалдаги ифодасидир.

Ҳа, бугун Амир Темури нолидаги маҳалла фуқаролар йиғинида фаолият юритаётган комиссияларнинг ўзаро ҳамкорлиги аҳоли турмуш даражасининг юксалишида муҳим аҳамият касб этаётди.

МАҲАЛЛА — ОИЛАВИЙ БИЗНЕС МАРКАЗИ

Имкониятлар кўлами кенг

Фуқароларнинг тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш ҳақида соҳада эришаётган муваффақиятларида маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳузурдаги Тадбиркорлик фаолияти ва оилавий бизнесни ривожлантириш масалалари бўйича комиссиянинг ўрни бекик. Улар кўмагида ҳудудларда ишбилармонлар сафи кенгайиб, ҳудудларнинг иқтисодий ривожланиши ўсиб бормоқда.

Ромитан туманидаги «Шўрча» маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи Мовлон Ҳамроев ҳудуддаги бўш турган эски бинони харид қилиб, банкнинг саксон миллион сўм кредити эвазига паррандачиликни ташкил этди. Оилавий корхонада дастлаб минг бош товуқ парваришланган бўлса, шу кунларда бу кўрсаткич беш мингга етди.

— Етти хазинанинг бири ҳисобланган паррандачилик ишини юритиш ўзига хос билим ва тажрибани талаб этади, — дейди тадбиркор. — Шўжа очилгандан бошлаб вояга етгунга қадар 14 марта эмланади. Беш ойдан сўнг тухум бера бошлайди.

Тинимсиз меҳнат, муайян мақсадга қаратилган ҳаракат ўз натижасини бермай қўймайди. Уттан йилда оила аъзолари икки тонна гўшт, бир юз йиғирма минг дон тухум олишди.

— Айтиш жоизки, ўзда бир қатор солиқ имтиёзлари ва бошқа турдаги преференциялар, кафолатлар ва ҳуқуқлардан иборат афзалликларни жаллаган «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонуннинг ҳаётга татбиқ қилиниши оилаларнинг реал даромадлари ошишига хизмат қилмоқда, — дейди «Маҳалла» ҳайрия жамоат фонди



■ ҲА сурати.

Бухоро вилояти бўлими раиси Маҳмуд Тоиров. — Биргина 2013 йилнинг ўзида вилоятда мингдан ортик оилавий тадбиркорлик субъектлари рўйхатдан ўтди. Ўз навбатида, ушбу ҳолат махсу-

лот сифати ва ҳажмининг ошиши, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш борасида рақобат муҳити шаклланишида ҳам муҳим омил бўлмоқда. Жорий йилда Фонд тадбир-

корликнинг ушбу турини ривожлантириш орқали имконияти чекланган фуқаролар, талаба ёшларни меҳнатга жалб этиш, аҳоли бандлигини таъминлашга ҳисса қўишни мақсад қилган.

ИСТЕЪМОЛЧИ МАНФААТИ

Товарлар ва хизматлар бозорида муаммо йўқ

Жўрабек ишдан қайтганида аёли газ идораси ходими 526 минг сўм қарз ёзиб кетганини, агар уч кун ичида тўланмаса, қувурни кесиб, таъминотдан узиб қўйишларини айтди. У коммунал тўловларни доим ўз вақтида амалга ошириб келгани боис эртаси кунги газ идорасига борди, бироқ тушгача овера бўлса ҳам калаванинг узини тополмади, ўз номига қайд этилган қарздорликни минг рад этса-да, арзини ҳеч ким эшитмади.

Холбиби САФАРОВА «Mahalla»

Жўрабек Имомов бу муаммони ҳал қилиш борасида маслаҳат сўраб, Жалойир кишлоқ фуқаролар йиғини раиси Дилмурод Очиловга учради. У дарҳол йиғин қошидаги комиссия аъзоларини тўплади. Маслаҳатлашиб, Кармана тумани истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятига мурожаат қилишди. Мутахассислар вазиятни ўрганиши натижасида истеъмолчига ҳисобланган қарздорлик нотири экани аниқланди.

— Янги тахрирда қабул қилинган «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонуннинг 18-моддасида фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссиялар ҳақида айтилган бўлиб, жумладан, Жамоатчилик нозорати ва истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича комиссия тузиш ваколати ҳам кафолатланган, — дейди Д.Очилов. — Бу аҳоли турмуш шартини яхшилаш ва фуқаролар ҳуқуқ-манфаатларини ҳимоя қилишга йўл очди. Уттан йилнинг ноябрь-декабрь ойларида комиссияга газ таъминотининг яхши эмаслиги ва асосий қарздорликлар тўғрисида 37 та мурожаат бўлди. Бу мурожаатларнинг барчасини туман истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамияти ёрдамида одилона ҳал қилдик.

Дарҳақиқат, фуқаролар йиғинлари ҳузурдаги Жамоатчилик нозорати ва истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича комиссия ёрдами билан айни пайтда аҳолининг қатор муаммолари тезкор ечим топмоқда. Бунга мисоллар кўп: Жалойир кишлоқ

фуқаролар йиғинидаги «Арабхона» маҳалласида яшовчи Робия Салимова Навоий шаҳридаги буюм бозоридан ўғлига поабзал сотиб олдию гап-вага қолди. Тор келгани етмагандек, тоза чарм, дея мақталган маҳсулотнинг сифати ҳам ҳаминқадар экан. Сотувчи оёқ кийимни қайтариб олиш ёки бошқасига алмаштириб бериш ҳақидаги фикрни эшитишни ҳам истамди. Маскур жамият аъзолари ара-лашгач, муаммо ижобий ечим топди.

Кармана тумани истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамияти маҳаллалар билан ҳамкорликда жойларда «Оқсак истеъмол маданияти сари», «Энг иқтидорли ёш истеъмолчи», «Истеъмолчи ҳуқуқлари — энг олий қадрият», «Коммунал хизматлардан

мамнунмисиз?» каби тарғибот тадбирлари ташкил этиб, «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳақида Вазирлар Маҳкамасининг «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори мазмун-моҳияти ҳақида фуқароларга батафсил тушунча бермоқда. Уттан йили жамият томонидан товарлар ва хизматлар бозорида юзга келаётган муаммоларни аниқлаш ҳамда тезкор бартараф этиш мақсадида 20 мартда «Очиқ эшиклар кунини» ўтказилди. Йил довомида жамиятга фуқаролардан 123 та ариза тушган бўлса, шундан 122 таси истеъмолчилар фойдасига ҳал қилинди.

Истеъмолчи доим ҳақ! Бугунги бозор иқтисодиёти шароитида бу ибора иш фаолиятнинг асосий тамойилига айланган лозим. Бунинг учун эса истеъмолчи маданияти муҳим аҳамият касб этади. Демак, фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини янада юксалтиришда йиғин фаоллари ана шу жиҳатга ҳам эътибор қаратишлари лозим.



■ ҲА сурати.

СИЗНИ ҚИЗИҚТИРГАН САВОЛ

Вояга етмаганларнинг ҳуқуқий ҳимояси

САВОЛ:

— *Вояга етмаган атамасига кўп дуч келамиз. Қонун ҳужжатларида вояга етмаган деганда кимлар назарда тутилди? Ҳудудларда айнан улар билан иш олиб бораётган комиссиялар қандай ваколатларга эга?*

Сабоҳат ОРИФЖОНОВА. Қўштепа тумани.

ЖАВОБ:

— Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатларига мувофиқ 18 ёшга тўлмаган шахслар вояга етмаган ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги қонунига асосан Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияларнинг ваколатлари белгиланган. Жумладан, комиссия 18 ёшга тўлмаганларнинг

ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлайди. Улар ўртасида назоратсизлик, ҳуқуқбузарликлар ва бошқа айриқичимой хатти-ҳаракатларнинг профилактикаси, ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимояси бўйича комплекс тадбирларни ишлаб чиқоми, шунингдек, ушбу тадбирларнинг амалга оширилиши устидан назорат қилади. Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва

ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси билан шугуллануви органлар ҳамда муассасаларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш, ижобий иш тажрибаларини умумлаштириш, оммалаштириш, уларга ташкилий-услубий ёрдам кўрсатиш ҳам ушбу комиссиянинг асосий вазифаларидан.

Комиссия вояга етмаганлар, уларнинг ота-онаси ёки ота-она ўрнини босувчи шахсларга нисбатан таъсир чораларини белгиланган тартибда қўллаш ҳуқуқига эга. Бундан ташқари, вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияларнинг ташкил этилиши ва фаолият кўрсатиши тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган.

Электр энергиясидан фойдаланганда

САВОЛ:

— *Электр энергияси истеъмолчисининг асосий ҳуқуқлари ва мажбуриятлари ҳақида маълумот берсангиз. Бу борадаги муносабатлар қайси меъёрий ҳужжатлар орқали тартибга солинади?*

Ўғилло АБДУЛЛАЕВА. Ҳазорасп тумани.

ЖАВОБ:

— Электр энергияси истеъмолчига у билан тузилган электр таъминоти шартномасига мувофиқ етказиб берилади. Ушбу муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги ҳамда «Табий монополиялар тўғрисида»ги қонунлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 22 августдаги қарори билан тасдиқланган «Электр энергиясидан фойдаланиш қоидалари» каби ҳуқуқий-меъёрий ҳужжат-

лар билан тартибга солинади.

Бунда истеъмолчи қатор ҳуқуқларга эга. Жумладан, ўзининг электр қурилмаларини техник шартларга мувофиқ худудий электр тармоқларига улаш, сифат кўрсаткичлари давлат стандартларига мувофиқ бўлган электр энергияси олиш, электр токининг тўхтатиб қўйилиши сабаблари тўғрисида белгиланган тартибда ахборотга эга бўлиш ҳуқуқларидан фойдаланиши мумкин. Ҳуқуқлар ўз навбатида мажбуриятларни ҳам келтириб чиқаради. Яъни истеъмолчи электр таъминоти шартномаси шартларида белгиланган электр энергиясини истеъмол қилиш тартибига риоя қилиш шарт. Энергия ҳажми учун ўз вақтида ҳақ тўлаш, худудий электр тармоқлари корхонасига электр ускуналарининг носозлиги тўғрисида хабар қилиш ҳам унинг мажбуриятларига кирди.

Бундан ташқари, истеъмолчи электр қурилмалари тузилиши қоидаларининг талаблари бажарилишини таъминлаш ҳамда худудий электр тармоқлари корхонаси вакилининг электр энергиясини ҳисобга олиш жиҳозларини кўришга имкон бериши керак.



■ Саволларга ҳуқуқшунос Иззатилла ДАМИНОВ жавоб бери.